

**«Namkorbank» АТБ нинг манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ва уларни  
бошқариш Сиёсатига ўзгартириш ва қўшимчалар**

**1. I - боб иккинчи хатбоши қуйидаги мазмунда баён қилинсин:**

**“яқин қариндошлар** - қариндошлик ёки қайин-бўйинчилик муносабатидаги шахслар, яъни ота-она, туғишган ва ўғай ака-укалар, опа-сингиллар, эр-хотин, фарзандлар, шу жумладан фарзандликка олинганлар, боболар, бувилар, неваралар, эр-хотиннинг ота-онаси, туғишган ёки ўғай ака-укалари, опа-сингиллари”.

**2. I - боб йигирма тўртинчи хатбоши қуйидаги мазмунда баён қилинсин:**

**конфиденциал ахборот** -умумий фойдаланишда ва барча учун очиқ бўлмаган, амалдаги қонунчилик ҳужжатлари билан ҳимояланган маълумотлар(тижорат сири, банк сири, шахсга доир маълумотлар)

**3. 4.3.1-банд қуйидаги мазмундаги “с” кичик банд билан тўлдирилсин:**

“с) коллегиял бошқарув органлари аъзолари манфаатлар тўқнашуви мавжуд бўлганда ва банк манфаатлари йўлида ўз вазифаларини тўлақонли бажаришига тўсқинлик қилган тақдирда, қарор қабул қилишда қатнашмасликлари лозим.”

**4. Қуйидаги мазмундаги янги 4.3.4 - банд билан тўлдирилсин:**

“4.3.4. Кенгаш ва Бошқарув аъзолигига ҳамда муҳим аҳамиятга эга ходим лавозимига тайинланган (сайланган) ходимнинг яқин қариндошларининг рўйхати Ходимлар билан ишлаш департаменти томонидан банкнинг электрон базасида шакллантирилиши ва электрон база мунтазам янгиланиб борилиши керак.”

**5. 5.1.1-банд қуйидагича янги таҳрирда баён қилинсин:**

“5.1.1. Манфаатлар тўқнашувини аниқлаш Банк раҳбарияти томонидан ўз жорий фаолияти давомида, ушбу Сиёсат тушунчалари ва тамойилларини ишлатган ҳолда амалга оширилади.

Банк ходимлари ва Бошқарув аъзолари содир бўлган ёки эҳтимолли манфаатлар тўқнашувини ошкор этишлари лозим. Банк ходимига манфаатлар тўқнашуви тўғрисида хабар маълум бўлиб қолса, у дарҳол бу ҳақда Комплаенс назорат департаментига расмий хабарнома орқали етказиши керак.

Ходимларнинг ушбу банддаги хабарнома йўллаш мажбурияти Банк раҳбарияти томонидан аффилиланган шахслар билан тузиладиган битимларга тааллуқли эмас.

Банк Кенгаши таркибига тайинланиш пайтида ва кейинчалик доимий асосда (бир йилдан бир мартадан кам бўлмаган) ёки вазиятлар ўзгарган бошқа пайтда Банк Кенгашининг барча аъзолари ҳужжатлаштириш ва ташқи аудиторларга ва банк Тафтиш комиссиясига маълумотларни тақдим этиш мақсадида потенциал манфаатлар қарама-қаршилигини келтириб чиқариши мумкин бўлган ўзининг расмий ёки бошқа

манфаатдорлиги тўғрисида Банк Кенгашига виждонан ва ҳаққоний тарзда ошкор қилишлари лозим.”

**6. 5.2.5-банднинг “г” кичик бандидаги “лавозимидан вақтинча озод этиш” деган жумлалар “бошқа ишга ўтказиш” жумласига алмаштирилсин.**

**7. Қуйидаги мазмундаги янги 6.3. - банд билан тўлдирилсин:**

“6.3.Ушбу ички меъёрий ҳужжат талабларини бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.”

**8. Ушбу сиёсат матнида “Ички назорат хизмати (ИНХ)” сўзлари, “Комплаенс назорат департаменти” сўзларига алмаштирилсин.**